

Сутранинг аҳамияти



13:00 / 20.09.2020 1975

«Сутра», деганда намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтмаслиги учун қўйилган тўсиқдир. «Сутра»ни Ҳанафий ва Моликий мазҳаблари мандуб, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари мустаҳаб, деганлар.

Девор, устун, найза, асо, бошқа бирор нарса сутра бўлиши мумкин. Ҳеч нарса топилмаса, бир чизиқ чизиб қўйса ҳам бўлади. Мақсад, намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтиб, кўнглини бузмасин, хусусан, шайтон васваса қилмасин.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ??????

?????? ?????????? ?????????????? ??? ????? ????? ?????

????????? ?????????????? ?????????? ??????????. ??????????

????????????.

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз жойлари билан девор орасида бир қўй сиғадиган жой бор эди».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Баъзи бир уламолар «У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадамлари билан деворнинг орасида бир қўй сиққудек жой бор эди», дейдилар. Тўғрироғи эса саждага бош қўядиган жойлари билан девор орасида, деганимиздир.

???? ????????? ????????? ????????? ????????? ?????????: ??????

????????? t ????????????? ????????????? ?????????

???????????????????????????? ?????????? ?????????? ?????????????????

???????????? ??????: ??? ?????? ????????????? ??????????

???????????????? ????????????????? ?????????? ??????????

???????????????????????????????? ??????: ????????????? ????????????????? ???

????? ?????? ?????? ????????????????? ????????????????? ??????????????.

????????? ??????????????????.

Язийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Салама розияллоху анху мусхаф ёнидаги устун олдида намоз ўқишни танлар эди. Мен унга:

«Эй Абу Муслим, ушбу устун олдида намоз ўқишни танлаганингизни кўрмоқдаман?» дедим.

У:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг унинг олдида намоз ўқишни танлаганларини кўрган эдим», деди».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятда номлари зикр қилинаётган киши машҳур саҳобий Салама ибн ал-Акваъ розияллоху анҳудирлар.

«Мусхаф ёнидаги устун». Қуръони Карим ёзилган саҳифалар бир сандиққа солиниб, ўша сандиқ «Муҳожирлар устувонаси» номли бир машҳур устуннинг остига қўйилган эди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам кишилар олдиларини кесиб ўтмаслиги учун суннат ва нафл намозларни кўпроқ ана шу устунни тўсиқ қилиб олиб ўқир эдилар.

Салама ибн ал-Акваъ розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу одатларини яхшилаб тақлид қилар эканлар. Бу ҳолни эса ушбу ҳадис ровийси Салама ибн ал-Акваъ розияллоху анҳунинг озод қилган қуллари Язийд ибн Абу Убайд розияллоху анху ўз хожаларидан сўраб, билиб, гапириб юрар эканлар.

Бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ҳар бир нарсада эргашиш, у зотнинг намоз ўқиган жойларида намоз ўқиш фазилатли эканлигидан бир далолатдир.

Демак, масжидда якка ўзи намоз ўқиётган одам устунни ўзига тўсиқ қилиб олиб ўқигани яхши. Баъзи бирларимиз шу нарсанинг фарқига бормаймиз. Кўринган жойда, ҳатто кўпчилик ўтиб турадиган жойларда ҳам намоз ўқиб, ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам ноқулайлик туғдирамиз.

???? ?????? ??????? ??????? ?????? ??????? ??????

????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????? ?????

?????????????? ?????????????? ?????????????? ??????????

?????????????? ?????????? ??????????????????????.

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга калта найза санчиб берилар ва у зот унга қараб намоз ўқир эдилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Саҳобалардан бирлари «ҳарба» ёки «аназа» деб аталадиган калта найзани кўтариб юрар эди. Очиқ жойларда намоз ўқиладиган бўлса, у Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг тўғриларига санчиб қўйилар эди. Ўша найза тўсиқ вазифасини ўтар, имомнинг тўсиғи қавмга ҳам тўсиқ ҳисобланар эди.

????????? ?????? ?????????????? ??? ?????? ?????? ??????

?????? ?????????????? ?????????????????? ???????????????

?????????????. ?????????? ??????????????????.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам уловларини кўндаланг қилиб туриб, ўша томонга қараб, намоз ўқир эдилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, миниб юрган ҳайвонни тўсиқ қилиб, намоз ўқиса ҳам бўлар экан.

????????? ?????????? ??????? ?????? ??????????: ???????

????????? ?????? ??? ????? ????? ?????? ???????????

????????????????? ??????????: ??????? ??????????????

?????????????. ?????????? ???????????.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозхоннинг сутраси ҳақида сўрашди. Бас, у зот:

«Эгарнинг суянчиғи (баландлиги)ча», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Демак, сутранинг баландлиги ҳақида сўралди. Арабларда одам суяниб кетиши учун эгарнинг орқаси махсус равишда баланд қилинади. Ана ўша суянчиқ баландлигидаги нарса сутра учун кифоя қилар экан.

????? ??????????? ????????? ??????? ?????????? ■ ??????

????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????: ??????? ??????????

????????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????

????????????????? ?????????????????? ?????????? ?????????????? ?????? ????????

???????? ??????. ???????? ?????????? ??????? ??????????

????????????????????.

Толҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз олдига эгар суюнчиғичалик нарсани қўйса, унинг ортидан ким ўтганига эътибор бермай, намозни ўқийверсин», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, сутра қўйиб олган одам сутра орқасидан ким ёки нима ўтганига эътибор бермаслиги керак. Сутранинг орқасидан ўтган нарса унинг намозига ҳеч қандай зарар қилмайди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан